Адл ила олам юзин обод қил

# Куч — адолатда

2019 йил
16 август,
жума
№ 32 (754)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 август куни Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий натижалари ва истиқболдаги устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Бош прокуратура, ташқи ишлар, инвестициялар ва ташқи савдо, мудофаа, ички ишлар вазирликлари, ДХХ Чегара қўшинлари, Мудофаа саноати давлат қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ҳамкорлигининг амалий натижалари, глобал тенденциялар, шунингдек, жаҳонда ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хатарлар кўриб чиқилди. Кейинги йилларга мўлжалланган ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий вазифалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган очиқлик ва ишонч сиёсати туфайли Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва ўзаро англашувга асосланган мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланганлиги таъкидланди. Минтақанинг барча мамлакатлари билан стратегик шериклик алоқалари йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, олий даражадаги тадбирлар натижасида анъанавий дўстона муносабатлар ўрнатилган мамлакатлар, жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Германия, Франция, Осиё қитъаси давлатлари билан ҳамкорлик салмоқли даражада мустаҳкамланди.

Асосий ташқи иқтисодий ҳамкорлар билан ўзаро савдо ҳажми барқарор ортиб бораётгани, Марказий Осиёда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётгани, ҳудудлараро ҳамкорлик фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан, жумладан, парламент томонидан қатъий назоратни таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистоннинг БМТ, ШҲТ, МДҲ, ИҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу тузилмалар доирасида мамлакатимиз ташаббусларини илгари суришга доир вазифалар белгиланди.

Йиғилишда шу давргача амалга оширилган ишлар танқидий баҳоланди ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳамкор давлатлар билан ўзаро манфаатли мулоқотни йўлга қўйишни давом эттириш, шунингдек, икки ва кўп томонлама алоқалар доирасида миллий манфаатларни таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

**ЎзА**

*Янги қонун моҳияти*

## Ернинг қадрига етиш

*янги қонун ушбу муҳим тамойилга асосланган*

**Куни кеча Президентимиз томонидан "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун имзоланди. Ушбу қонун 2020 йил 1 мартдан эътиборан кучга киради.**



Кишилик жамияти тарихининг ҳар бир босқичида ер масаласи ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб келган. Зеро, ердан оқилона фойдаланишга ҳамма вақт долзарб вазифа сифатида қаралган.

Юртимизда рўй бераётган янгиланишлар ва тобора жадаллашиб бораётган тараққиёт суръатлари ҳам кўп жиҳатдан иқтисодий омилларга, хусусан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ер омилига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида қабул қилинган **"Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони бу борада ўта муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу Фармон билан ер участкаларини хусусийлаштириш имкони яратиб берилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Мезон*

## Мулк ва мулкдор ҳуқуқларининг ҳимояси

*бу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда*

**Мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.**



Тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қонунчилик базаси изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 3 августда қабул қилинган "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойиши бу борада алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, Фармойишда аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш доирасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган бино ва иншоотлар жойлашган ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Яъни ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади — хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолати соҳасидаги муносабатларни қатъий тартибга солишдан иборат.

Шу асосда жорий йил 5 августдан бошлаб давлат ва жамоат эҳтиёжлари, шунингдек, бошқа мақсадларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ер участкаларини олиб қўйиш ҳамда кўчмас мулк объектларини бузиш ишлари уч босқичда амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу босқичларнинг қатъий изчиллигида белгиланиши бежиз эмас, албатта. Бунда, аввало, кўчмас мулк объектларини бузиб, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг амалдаги механизмидаги камчиликлар уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келиши ҳолатларига изчил барҳам бериш назарда тутилмоқда.

Қолаверса, бундай оқилона ёндашув аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлатга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Мазкур Фармойишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига ер участкаларининг олиб қўйилишида қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этилиши билан боғлиқ масъулият юкланган. Жумладан, улар:

- ер участкасини олиб қўйиш, у ерда жойлашган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатларни, иншоотларни бузиш ҳамда дов-дарахтларни кўчириш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинганлиги ҳақида мулкдорлар белгиланган тартибда ва муддатларда хабардор қилиниши;
- етказилган зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопланмагунга қадар олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморат ва иншоотларни бузиб ташлашга йўл қўйилмаслиги;
- кўчирилган фуқароларга компенсация тариқасида ажратилган ер участкасини ўзлаштириш даврида белгиланган тартибда икки йилгача муддатда уй-жой берилиши ва бошқа талабларга қатъий амал қилиниши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: илгари қонун ҳужжатларида мулкдорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқлари кафолатлари белгиланмаганми эди? Бу саволга жавоб шуки, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун худди шу соҳадаги муносабатларни тартибга солади.

Қонуннинг 19-моддаси, тўртинчи қисмига кўра, олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни кўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунига қадар йўл қўйилмайди.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунига қадар амалга оширилиши мумкин эмас.

Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам низони кўриб чиқиш жараёнида ҳал этилади.

Шунингдек, қонунда давлат органи ва бошқа органнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонун талабига кўра, давлат органлари ва бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарар ўрнини қоплаш суд қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Президентимизнинг 2019 йил 3 августдаги Фармойишида белгиланган тартиб-таомиллар орқали қуйидаги муҳим натижаларга эришилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Адолат тамойили*

## Бузилган иморат

*унга товон пули тўлаш нега рад этилди?*

**2016 йилнинг 7 октябрь куни урганчлик Собиржон Ражабовлар оиласи бошига ташвиш тушди. Хонадон соҳибининг турмуш ўртоғи қазо қилди.**



...Ҳаётда нималар содир бўлмайди, дейсиз. Баъзида кулфат ҳам, қисмат ҳам, тўйу томоша ҳам қўша-қўша келади.

Орадан кўп ўтмай Собиржон ота ҳам турмушнинг ана шундай синовларига дуч келди. Аёли қазо қилганидан сўнг орадан кўп ўтмай шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари унга қарашли саҳни 36 квадрат метрдан иборат дўкон биносини бузиш талабини ўртага қўйишди.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!*

## Чоштепа — азим Тошкентнинг янги турар жой массиви

**Аждодларимиз қадимдан яхши бир удумга риоя қилишган: кенг ва мустаҳкам уй қуриш, комил фарзандлар тарбиялаш, баҳаво иқлим яратадиган тераклар экиш ва, албатта, мевали дарахтлар ўстириб, боғ-роғлар барпо қилишни ўзлари учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблашган.**

Тўғри, қишлоқ жойларда қариндош-уруғлари ёрдамида ҳашар йўли билан 3-4 хонали уй қуриш ҳар бир инсоннинг қўлидан келиши мумкиндир. Лекин Тошкентдек азим шаҳар шароитида кўп қаватли, лифтли, газли, иссиқ-совуқ сувли, канализацияси ва бошқа қулайликларга эга бўлган кўп қаватли уйларни қуриш, бутун бир янги турар жой массивларини гузарлари билан барпо этиш фақат йирик ихтисослашган қурилиш ташкилотларининг ишидир.

Мана икки йилдан буён нафақат Тошкентни, балки бутун Ўзбекистонни катта қурилиш майдонига қиёс қилгинг келади. Қарийб барча шаҳар, гузар ва қишлоқларда кундузни қўя турайлигу кечалари ҳам чироғини ёқиб, қўнғироқчаларини чалиб ишлаётган кўтарма кранлар, қум, шағал, цемент ташиётган юк машиналари кўзга ташланади. Катта кўприклар, ер ости ва ер усти метро станциялари, обод шаҳар ва қишлоқлар барпо этилмоқда, илгари қурилганлари эса янги талаб, стандарт, эстетик дид билан қайтадан таъмирланмоқда. Амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишларининг орасида аҳоли истиқомат қиладиган янги турар жой бинолари қурилиши бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эгадир.

XXI аср Шарқ мегополиси, аҳолиси 3 миллиондан ортиб бораётган пойтахтимизда сўнгги чорак асрда уй-жой қурилиши анча орқада қолган, уйга муҳтож бўлганлар сони тобора ортиб бораётган эди. Европа (27-28 давлат)да, Россия, Шимолий Америка, Австралия, Канада каби давлатларда маҳаллий аҳолининг сони жиддий қисқариб бориши кузатилаётган бир пайтда, Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, фарзанд кўриш, янги авлоднинг дунёга келиши



бизда яхши. Об-ҳавонинг қулай ёки ноқулай келиши, иқтисодий, молиявий инқирозларга қарамай, жаҳон статистика маълумотининг кўрсаткичлари бўйича, узоқ йиллардан буён энг серфарзанд халқлардан бўлиб келмоқдамиз.

Шу сабабли арзон нархда турар жой биноларини кенг кўламда ва жадал суръатлар билан қуришни давр, вазият талаб қилмоқда. Бугун биргина пойтахтимизнинг ҳар бир туманида 20 тадан, жами 200 дан ортиқ 7 ва 9 қаватли, кўп хонадонли уй-жойлар қурилмоқда. Шунча уйлар, корхоналар, идоралар, "мегапланет"лар, офис бинолари, маданий-маиший муассасалалар, кўприклар, ер ости, ер усти метролари қурилаётган экан, бой бўлаётганимиз рост бўлсин. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2021 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори жуда қўл келаяпти.

Эзгу орзу-ният, буюртмачи, қурувчиларимизнинг астойдил ва изчил хатти-ҳаракатлари натижасида пойтахтимизнинг Сергели туманида қисқа вақт ичида бутун бошли янги турар жой массивлари қад кўтара бошлади.

Сергели туманининг Чоштепа маҳалласи... Бу янги турар жой массивида 7 қаватли 66 та уй барпо этилмоқда. Бунинг учун Чоштепа маҳалласида 27 гектар ер ажратилди. Қурилиш ишлари 2018 йилнинг август ойида бошланган бўлса, беш ой ўтар-ўтмас, 21 декабрь куни қурувчилар 21 та 56 хонадонли янги уйни, 2019 йилнинг апрель ойида эса яна 14 та 7 қаватли уйни фойдаланишга топширди. Уйлар бир, икки ва уч хонали хонадонлардан ташкил топган. Бинолар 9 баллик зилзилага чидамлилиги таъминланган.

(Давоми 2-бетда) ▶

***Пастдарғомда миш-миш тарқалди. Нима эмиш, туман маркази — Жума шаҳридаги "Маданият уйи" биносида режиссёр ҳамда актёр Адҳам Боқиев (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ўткир сюжетли "Қабр" фильмига кинокастинг эълон қилганмиш. Кинокастингга етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар қатнашиши мумкин. Фильм иштирокчилари аҳоли орасидан танлаб олинармиш. Фильм қаҳрамонлари сараланаётганмиш.***

*Қилмиш-қидирмиш*

## Антиқа фирибгарлик

*ёки миш-миш ортидаги алдов*

Одамлар оёғи билан эмас, оғзи билан юради. Миш-миш худди шамол каби елиб, туманнинг олис қишлоқларигача етиб борди. Янги фильмда рол ўйнайман, деб омадини синаб кўрувчилар кўпайгандан кўпайди. Улар "Маданият уйи"га ёпирилиб кела бошлашди.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!*

# Чоштепа — азим Тошкентнинг янги турар жой массиви

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ҳар бир 6 бино орасида болалар ўйингоҳи жойлашган бўлиб, уларда турли хил аттракционлар, спорт майдончалари, очиқ майдонларга чимлар бостирилиб, катталар дам олиши учун ўтирғич — скамейкалар ўрнатилган. Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, бу турар жой массиви баҳаво, майин шаббода эсиб турадиган манзилда қад кўтараяпти.

Янги уй-жойларнинг дастлабкиларини фойдаланишга топшириш маросимига Президентимизнинг ўзи ташриф буюриб, қурувчиларга бу ажойиб муваффақияти, самарали меҳнати, шижоати учун чуқур миннатдорчилик билдири.

Чоштепа массивидаги уйлар инглизчадан таржима қилганда "Оқ шаҳар" маъносини берувчи "White City Construction" масъулияти чекланган жамиятнинг азамат қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда. Буюртмачи — Тошкент шаҳар ҳокимияти. Ҳозир массивдаги қолган яна 31 та турар жой биносининг қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Бинолардаги хонадонларни газ, сув билан таъминлаш, сантехника асбоб-ускунларини ўрнатиш, хоналарни пардозлаш, трансформаторларни шаҳар электр тармоғига улаш каби ишлар амалга оширилмоқда.

— Бир неча ой мобайнида ишни сифатли қилиб тугатамиз, — деди биз билан бўлган суҳбатда "White City Construction" МЧЖ жамияти раҳбарининг биринчи ўринбосари Рустам Азизов.

Кичик таққослаш: 1966 йилги даҳшатли Тошкент зилзиласидан кейин бир йил ўтар-ўтмас, пойтахтнинг йўлдош Сергели шаҳарчасига асос солинган эди. Шунда бу ерга зилзила эпицентри — Қошғар маҳалласидан келган бир қанча оила Россиядан келтирилган ёғоч уйларга жойлаштирилганди. Ҳозир бу пастқам ёғоч уйлар эски Сергели маҳалласидаги баланд дарахтлар ортида кўринмай ҳам қолди. Лекин янги Сергели — Чоштепа маҳалласида янги кўп қаватли, барча қулайликка эга бўлган, баланд, ёруғ турар жой бинолари қад кўтармоқда.

Айтиш лозим, сўнгги йилларда Сергели кенгайди ва Тошкент шаҳрининг энг катта туманларидан бирига айланди. Ҳозир бу ерда 12 та йирик, 300 та катта-кичик саноат корхонаси, автомобиль бозори, 1700 дан ортиқ микрофирма, коллеж, лицей, мактаб, поликлиника, савдо, маиший, илмий-маърифий, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Йилдан-йилга аҳоли сони кўпаймоқда. Тошкентдек азим шаҳарнинг кенгайиши, саноат корхоналарининг кўпайиши илгари қулупнай, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирган ерли аҳоли: деҳқон-фермер хўжаликлари, боғбонлар — чоштепаликларда уй-жой муаммоларини келтириб чиқарди.

Масалани жойида ҳал қилиш учун Сергели туманига икки марта давлатимиз раҳбарининг ўзи ташриф буюрди. Пировардида бу ерда барча инфратузилма объектлари: боғча, мактаб, поликлиника, дорихона, савдо шохобчалари бўлган янги турар жой массивини қуришга қарор қилинди. Шаҳар марказидан бироз бўлса ҳам узоқлиги эътиборга олиниб, Сергелида янги транспорт тури — ер усти метроси (станцияси билан) қурилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Чоштепада қурилиши режалаштирилган яна 30 дан ортиқ бино шу йил охирига қадар қад кўтариб, жами 3 минг 696 хонадон янги 2020 йилни барча қулайликка эга бўлган янги уйларда кутиб олади.

Эгалари кўчиб кирган уйларни ҳам кириб кўрдик. Хонадонларнинг кираверишидаги, йўлаги, ошхона, ётоқхона, ванна хонаси, қўйингки, барча хоналари, лойиҳачиларга раҳмат, жуда қулай жойлашган, шифти баланд, хоналар кенг, пол махсус паркет билан қопланган. Қувурларда газ, сув, газ-плита конфорларида "зангори олов" ёниб турибди.

Савоблигини айтмай қўя турайлигу, лекин Чоштепа маҳалласини бунёд этаётган қурувчиларнинг ақлбовар қилмайдиган суръати, шижоати, ишининг сифатини эътироф этмаслик инсофдан бўлмас.

Қани энди, ҳамма уйларнинг қурилиши ҳам шундай суръату сифат билан барпо этилса. Айтиш лозимки, маълум бир ҳажмдаги ишни бажариш учун ажратилган вақт қанчалик тиғиз бўлиб, ишнинг кўлами қанчалик кенг бўлса, унинг камчиликлари ҳам шунчалик кўп бўлади, деган гап, йўл қўйилган камчиликларга кўникиш бор. Бу нотўғри, вақт, давр, ишга бўлган талаб ўзгармоқда, маълум ҳажмдаги ишни бажаришга бериладиган вақт илмий асосланиши, иш сифатли ва қурилиш материаллари илгаридан қабул қилинган стандарт ўлчовларига жавоб бериши лозим. Пировардида эса қурувчи бажарган ишнинг ҳажми ва сифатига яраша меҳнат ҳақи, суръат ва сифат учун мукофот пулини олиши керак. Булар барчасининг замирида эса ҳар бир инсон, мутахассис, иш берувчининг поклиги, одиллиги, виждони ётади. Чоштепада қурувчи, буюртмачи, лойиҳачиларга ана шу хислатлар қўл келган бўлса не ажаб.

Инсонни ҳайрон қолдирадиган томони шундаки, беш, боринг саккиз ойда 35 та етти қаватли уй қурилди. Ана шу муддатда хонадон эгалари янги уйларга кўчиб киришди. Йиллаб давомида тўхтаб қолган "долгострой"ларни кўриб, ҳа, қурса бўлар эканку, деган хаёлга борасан киши.

Чоштепадаги кўп қаватли турур жой бинолари янги технология асосида барпо этилмоқда. Бу ерда Ўзбекистонда биринчи бор турар жой биноларининг ташқи тўрт томони прессланган базальт плиталари билан қопланган. Ҳарорати ёзда 45-50 даражагача чиқиб кетаётган Ўзбекистон шароитида бундай уй-жойлар қурилиши ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Муҳими, мамлакатимизда иссиқ-совуқдан ҳимоя қиладиган янги девор панеллари ишлаб чиқарила бошланди. Базальт номи билан юритилаётган тоғ жинси нафақат иссиқ-совуқни, буларга қўшимча равишда яна шовқинни ҳам ўтказмас экан. Йилига 8-9 ой мобайнида офтоб остида, қиш қисқа бўлсада, сезиларли даражада совуқ бўладиган Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлимида ана шундай уйларнинг қурилиши кишини хурсанд қилади.

Айтгандек, мазкур қурилиш лойиҳаси доирасида хорижий қурилиш компанияларининг инновацион технологияларини кенг қўллаш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, Туркиянинг "Uzguven Mimarlik" қурилиш компанияси Чоштепа мавзесида қад кўтараётган турар жой мажмуасида бевосита иштирок этмоқда.

Бундай уйлар совуқ ва иссиқ кунларда хонадонларда бир меъёрда — инсон учун маъқул бўлган иқлим шароитини таъминлайди.

Яна бир янгилик. Янги уйларни қишда иситиш учун илгаргидек бутун бир турар жой даҳасига мўлжалланган марказий иситиш тармоғини қуришдан воз кечилди. Қозонхонадан километрлаб чўзиладиган ҳар бир уйга иссиқ сув етказиб беришда қанчадан-қанча ер кавлашу, қувурлару, ишчи кучи сарфланар, сув, иссиқлик ва электр энергияси исроф бўлар эди. Чоштепадаги хонадонларнинг ҳар бири газда ишлайдиган 70x40x15 сантиметр ҳажмдаги қулай индивидуал иситиш мосламаси билан таъминланган. Ҳар бир хонадоннинг ошхонаси деворида ана шундай алоҳида иситиш мосламалари ишлаб турибди. Ювиниш учун ваннага, идиш-товоқ ювиш учун ошхонага иссиқ сув хонадоннинг ўзида ўрнатилган ана шу янги мослама орқали етказиб берилади. Бу тизимни бошқариш ҳам мураккаб эмас, ишлашини бир марта кўриб олган уй бекаси уни осонгина бошқара олади.

Индивидуал сув иситадиган ўчоқнинг ҳар бир хонадонда алоҳида бўлиши жуда қулай. Биринчидан, ёққан гази, сарфлаган суви, ишлатган электр энергияси шундоққина кўзининг олдида кўриниб туради. Бу эса сув, газ ва энергия ресурсларидан унумли, тежаб-тергаб фойдаланиш имконини беради.

Якунда шуни айтмоқчимизки, Чоштепа турар жой массивига қурилаётган ер усти метро линияси яқинлашиб бормоқда, метро ишга тушгач, чоштепаликлар учун пойтахт маркази ҳам бир қадам бўлиб қолади.

**Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ,**
*ЎзА мухбири*

*Мезон*

# Мулк ва мулкдор ҳуқуқларининг ҳимояси

*бу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилмоқда*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

**Биринчидан,** олиб қўйилган ер участкаларини ҳамда шу муносабат билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарлар миқдори, яъни товон пулларини хатловдан ўтказиш бўйича республика мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи ва ўтказишга кўмаклашиш учун ҳудудларга бириктириладиган масъуллар рўйхати тузилганлиги барча туман ва шаҳарлар кесимида юзага келган муаммоли ҳолатларни жойида бартараф этиш ҳамда мақбул ечимлар топиш имконини беради.

**Иккинчидан,** фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарларни жойларга чиққан ҳолда хатловдан ўтказиб, уларнинг қонунчиликка мувофиқ бозор қиймати асосида ҳаққоний ва адолатли миқдори белгиланиши аҳолининг давлат органлари ва ташкилотларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

**Учинчидан,** ҳар бир туман ва шаҳар кесимида олиб қўйилган ер участкаларининг рўйхатини тузиш, ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарлар белгиланган тартибда қопланмаган ёки қисман қопланган мулкдорларнинг рўйхатини шакллантириш, ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни туман (шаҳар) кесимида ҳар бир мулкдор бўйича қоплаш жадвалини молиялаштиришнинг аниқ манбаси, зарарни қоплаш миқдори, тури ва муддати кўрсатилган ҳолда тасдиқлаш, ўз навбатида, мулкдорнинг мулки қийматига тенг бўлган пул миқдорини вақтида олишини таъминлашга хизмат қилади.

**Тўртинчидан,** Фармойишда муайян ҳудудда фуқароларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда талаб юқори бўлган ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик объектларни қуришни назарда тутувчи давлат дастурлари, йирик инвестиция ва бошқа лойиҳаларни ҳудуддаги кўпчилик аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда амалга ошириш ва мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари, инвесторлар ва мустақил экспертлар ўртасида кенг муҳокама қилинишини таъминлаш белгиланган.

Ҳақиқатан ҳам, бу ишларга аҳоли кенг қатламининг жалб қилиниши уларнинг қонуний талаблари, сўров ва таклифлари юзасидан аниқ чоралар кўрилишига, ҳудудларни ривожлантириш борасидаги муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни вазирлик ва идоралар билан биргаликда сўзсиз амалга оширишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, шубҳасиз, хусусий мулкчиликнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини янада оширади.

Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мукаммаллиги ва ошкоралиги, давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилувчиларга янада қулайликлар яратиш мақсадида аҳолининг барча қатламлари учун кўрсатиладиган интерактив хизматларни кучайтириш, шу билан бирга, ишларни ташкиллаштиришда фойдали бўлган дастурий таъминотларни фаолиятимизда келгусида ҳам изчил татбиқ этиб бориш олдимизда турган устувор вазифадир.

**Мақсуд САИДОВ,**
*Бухоро вилояти иқтисодий судининг раиси*

*Адолат тамойили*

# Бузилган иморат

*унга товон пули тўлаш нега рад этилди?*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Дўкон соҳиби ноилож қолди. Бемаврид қўйилган бу талабни рад этишдан ўзини тийди. Аслида, низо йўлини танласа ҳам бўлаверарди. Негаки, бузиш талаб қилинаётган дўкон яп-янги, эгалик ҳуқуқини қўлга киритганига ҳали тўрт йил ҳам бўлмаганди.

Бино бузилишига розилик берган дўкон эгасига орадан кўп ўтмай ўзаро "Келишув шартномаси" тузишни таклиф этишди. У бунга ҳам рози бўлди.

Бироқ жисмидаги оғир руҳий жароҳат — жудолик алами панд берди. Шу боис шаҳар ҳокими ва ўзи ўртасида тузилажак шартноманинг қонун талабларига нечоғлик мослигини синчиклаб ўрганишдан ожиз қолди.

Дўкон эгаси-ку бу масалада ҳушёрликни бой берди. Аммо ҳокимлик мутасаддилари қаёққа қарашди?!

Мулк соҳибининг карахт ва тушкун аҳволда экани, афтидан, уларга қўл келганга ўхшайди. Акс ҳолда, ўртада расмийлаштирилган шартномада бузилган қурилма учун компенсация, яъни товон пули тўловига оид масала қонун талаби асосида ва узил-кесил тарзда ўз ечимини топган бўларди. Таассуфки...

Ҳокимлик бу борада зиммасидаги мажбуриятни эътибордан соқит этди. Мутасаддилар бинонинг эгасига шаҳарнинг бошқа ҳудудидан янги дўкон қуриш учун 66 кавдрат метр саҳнли ер майдони ажратиб берилгани, зарур қурилиш материаллари ажратилгани, бузилган иморатнинг келгусида асқотувчи жиҳозлари эса, эгаси тарафидан олиб кетилганини шартномада қайд этиш билан кифояланишди.

Пировардида дўкондор судга мурожаат қилди. Суд жараёнида у ҳокимлик мутасаддилари тузган ҳужжатда йўл қўйилган ўша хатонинг мағзини чақа олмаганини очиқ эътироф этди.

Халқимизда "Хатга тушдинг — ўтга тушдинг" деган нақл бор. Бу ҳолат ҳокимият вакиллари томонидан Собиржон аканинг мазкур шартнома матнини қонун талаблари асосида бироз ўзгартиришга қарата киритган таклифига бўлган муносабатда ҳам ўз ифодасини топди.

Қарши тарафдагилар "ҳужжатнинг ақалли биронта сўзини ҳам ўзгартирмаймиз, бир тийин ҳам товон пули тўламаймиз", деган иддаода собит туришди. Дўкондорнинг "товон пули тўланг, ундан бўлак бирон-бир матоҳга муҳтож эмасман", деган ўтинчини тинглайдиган, қонуний ва инсоний бурчини амалий кўмак ва мадад-ла намоён этадиган валломат афсуски, топилмади.

Ҳокимликдагилар аслида ўзгача маррада турмоқлари, гарчи мижоз товон пули сўрамаса ёхуд унга муҳтож бўлмаса-да, виждоний бурч, инсоф-диёнат важидан қонуннинг бу борадаги талаб ва тақозоларини унга ётиғи билан тушунтириши, розилик сўраши, қурилма эса, ўртадаги низолар, баҳс-мунозараларнинг бари барҳам топган, томонлар ўзаро муросага келганидан сўнг бузилиши зарур эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Шаҳар раҳбарлари буни исташмади. Ҳокимнинг 2017 йил 5 майдаги 1140-сонли қарори асосида "буз-ҳа, буз" қабилидаги ишларни, орадаги баҳсли ҳолат бартараф этилмагани ҳолда, "қойиллатиб" адо этишди.

Масъуллар ўзларининг бундай хатти-ҳаракати билан нафақат мулк эгасининг қонуний сўровини рад этишди, балки Вазирлар Маҳкамасининг 97-сонли қарори асосида тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини ҳам қўпол тарзда бузишди.

Низомнинг "Ер участкаларини олиб қўйишда объектларни бузишга кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарар тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилади", дея қайд этилган 3-1-банди ижро ҳаракатлари учун ўзларига раҳбарий кўрсатма эканини буткул унутишди.

Ҳокимликнинг бу каби хатти-ҳаракатларидан урганчлик яна бир фуқаро — Роҳатой Бекчонова ҳам азият чекди. Бу ҳолат билан боғлиқ воқеалар ривожи бир мунча ўзгача алфозда кечди.

Шаҳарнинг собиқ Ашхобод кўчасидаги 631-уйда истиқомат қилган ака-сингил Бекчоновлар жорий йил ёзига келганида ўзаро низони авж олдиришди. Урганч шаҳар ҳокимининг мазкур кўчадаги бир муддат муқаддам бузиб ташланган ўша уйга марҳум Ражаб Бекчонов, яъни низолашувчилар отасининг эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақида 2019 йил 12 июнда чиқарган қарори бунга сабаб бўлди.

Низо домида қолиб келаётган хонадонда келишмовчиликлар баттар авж олди. Бунда оила аъзоларини айблаш фикридан йироқмиз. Негаки, ҳокимнинг мазкур қароридан сўнг сув баттар лойқаланди.

"Ундай бўлса, асли, гап нимада?" — дерсиз. Низонинг боши ота — Ражаб Бекчоновнинг мазкур уйни қизи Роҳатой Бекчоновага мерос қилиб қолдириш юзасидан нотариус орқали 2004 йил 16 март куни имзолаган васиятномасига бориб тақалади. Унга биноан отанинг вафотидан (2004 йил 7 июнь) кейин уйга эгалик ҳуқуқи қизи Р.Бекчоновага ўтиши зарур.

Ажабланарли тарафи шуки, отанинг ушбу васиятномаси ҳозир ҳам ўз кучида. Бирон-бир валломат ёки ваколатли маҳкама васиятномани бекор қилмаган.

Шундай экан, ҳужжатни уйга эгалик қилаётган қонуний меросхўрнинг розилигисиз ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Янги қарор билан бу ҳолат буткул инкор этилди ва оқибатда хонадондаги низо оловига қалов ташланди.

Аслини олганда, айб меросхўр Роҳатойдан ҳам ўтди. Унинг ҳоким қарорини қонунга номувофиқлиги боис бекор қилиш ва марҳум отанинг хоҳиш-иродасига ҳурмат рамзи сифатида уйга эгалик ҳуқуқини тиклаш юзасидан маъмурий ишлар бўйича судга қилган мурожаатини кўриб чиқиш асносида гувоҳлик берган ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри шаҳар филиали мутахассиси С.Бойжонов масалани ўрганиш ва чизма ҳужжатларни тайёрлаш учун мазкур манзилга бир неча марта боргани, бироқ хонадон соҳибаси Р.Бекчонова уни уйга киритмаганини баён этди.

Роҳатойнинг бу хатти-ҳаракати гарчи ер тузувчини мураккаб вазиятда қолдиргани етмагандек, пировардида вазиятнинг нотўғри талқин этилишига, ҳоким қарорининг эса, Р.Бекчонова ихтиёридаги ҳужжатларга таянмаган ҳолда чиқарилишига сабаб бўлди.

Собиқ уйнинг янги эгалари фурсатни бой беришмади. Ҳоким қарорини қўлга олишгани ҳамон уйнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштиришга бел боғладилар ва бу мақсадларига эришиб улгурдилар ҳам.

Лекин қонуннинг ўз йўриғи бор. Қонун талаблари нобоп босилган қадамларни асло маъқулламайди. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси 2-қисми буни яққол тасдиқлайди.

Ушбу нормага кўра, суд шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар ё ҳаракатсизлик қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганини аниқласа, қарор ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракат ё ҳаракатсизликни қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Суднинг хулосасига кўра, кўриб чиқилаётган ҳолатда уй эгаси Р.Бекчонованинг қўлидаги ҳужжатларни синчиклаб ўрганишни удда эта олмаган шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларининг ҳаракатсизлигини оқлаш ва бунинг оқибатида ҳокимнинг 2019 йил 12 июнда юзага келган қарорини ҳақиқий, деб ҳисоблашнинг иложи йўқ. У бекор қилиниши керак.

Аслида ҳам шундай бўлди. Маъмурий суднинг жорий йил 29 июль куни чиқарган ҳал қилув қарорига мувофиқ мазкур қарор ҳақиқий эмас, деб топилди. Уй қонуний эгаси ихтиёрига қайтарилди.

Суд Собиржон Ражабовнинг дўкони бузилиши билан боғлиқ можарога ҳам хотима ясади. Бунда Урганч шаҳрининг марказий қисмини реконструкция қилиш муносабати билан дўкондорнинг бузилиши белгиланган нотурар жой биноси учун товон пулининг тури ва миқдори келишув шартномасида акс этгани, бироқ унда мазкур компенсация пулини тўлашга оид масала кўзда тутилмагани жиддий эътироз уйғотди.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 269-моддасига асосан, фуқаро ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ё қарорлар устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ушбу кодекснинг 271-моддаси 2-қисмига мувофиқ эса, суд ушбу шикоятнинг асосли эканини аниқласа, унга сабаб бўлган ҳолатларни ғайриқонуний, деб топади. Тегишли идоралар зиммасига фуқаронинг талабини қаноатлантириш вазифасини юклайди, фуқарога нисбатан қўлланилган жавобгарлик чораларини бекор қилади ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклайди.

Кассация босқичи суди мазкур ҳолатларни назарда тутди. Собиржон Ражабовнинг мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан берган аризаси тўла қаноатлантирилди.

Шу юзасидан чиқарилган ажримга кўра, дўкондорга компенсация тарзида ҳисобланган 32,5 миллион сўмни тўлаш мажбурияти Урганч шаҳар ҳокимлиги зиммасига юкланди.

Албатта, қонун — адолат ва одиллик тимсоли. У ана шу тарзда тантана қилди.

Шунинг учун ҳам қонунга риоя этганнинг қўли ҳамиша баланд. Қонун талабларидан чекинганнинг эса, косаси ҳеч маҳал оқармайди.

Негаки, ўйламай босилган қадам инсонни рўшноликка етакламайди. Турмушнинг бу ибратли сабоғини асло унутмаслик лозим.

**Жамила СУЛТОНОВА,**
*Хоразм вилоят Маъмурий судининг судьяси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Қилмиш-қидирмиш*

# Антиқа

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

— Фильмнинг айрим қисмлари Ҳиндистон давлатида суратга олинади, — деди йиғилганларга ўзини фильм режиссёри деб таништирган Адҳам Боқиев. — Айниқса, бош ролни ижро этувчилар ниҳоятда тиришқоқ, ҳаракатчан ва қобилиятли бўлиши талаб этилади.

Қатнашчилар орасида туманнинг Ш.Рашидов маҳалласида яшовчи Шербек Назарқулов Адҳам Боқиевнинг "эътибори"га тушди.

— Сиз бош ролни ижро этасиз, — деди у Ш.Назарқуловга. — Киноактёр сифатида биз билан бирга Ҳиндистонга ҳам борасиз. Ҳиндистонда фильмнинг баъзи эпизодларини суратга оламиз.

Бу гапни эшитган Шербек роса қувонди. Аммо у харажатлар учун 4 минг 800 АҚШ доллари бериши лозимлигини эшитгач, бироз ўйга толди. Бу воқеа шу йил январь ойида юз берганди. Шербек режиссёрдан пулни бўлиб-бўлиб берса ҳам бўлаверишини эшитгач, бироз чиройи очилди.

У кечки пайт уйдагилар билан маслаҳатлашиб, эртаси куни А.Боқиевга Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасига нисбатан қиймати 10 миллион 53 минг 816 сўмга тенг бўлган 1 минг 200 АҚШ долларини келтириб берди.

— Сценарий бўйича фильмда тўрт нафар бош қаҳрамон иштирок этиши керак, — деди режиссёр "Беклар" маҳалласидан кинокастингда иштирок этаётган Улуғбек Ўтамуродовга. — Сиз бош қаҳрамонлардан бирининг ролига жуда мос тушасиз. Шу ролни сизга ишониб топширишимиз мумкин.

Улуғбек кинода рол ўйнашни орзу қиларди. Шу боис у режиссёрнинг гапини эшитиб, ўзида йўқ қувониб кетди. Бунинг устига у режиссёр айтган 900 АҚШ долларини шу куннинг ўзида, кечга қадар келтириб берди. Фильмнинг яна бир бош қаҳрамони ролида суратга тушиш Бобохон Расуловга ҳам насиб этадиган бўлди. Бунинг учун у аввалдан А.Боқиевга "хамир учидан патир" сифатида 250 минг сўм берди.

Шу тариқа суратга олинаётган ўткир сюжетли фильмда бош қаҳрамон ва бош қаҳрамоннинг яқинлари ролида қатнашиш эвазига Адҳам Боқиев пастдарғомлик Аҳмаджон Эшонқуловдан 800 минг сўм, Шоҳжаҳон Раҳимқуловдан 300 минг сўм, Дилдора Мўминовадан 150 минг сўм, Отамурод Шукуровдан 1 миллион сўм, Жаҳонгир Муродовдан 400 минг сўм, Завқий Ўринбоевдан 300 минг сўм ва 150 АҚШ доллари, Дилноза Жаҳонгировадан 150 минг сўм, Аслиддин Каримовдан 50 АҚШ доллари, Амириддин Темировдан 500 минг сўм ва Бобоназар Бердиқуловдан 700 минг сўмни қуртдек санаб олади.

Ёдингизда бўлса, мақола аввалида А.Боқиев Шербек Назарқуловдан бош ролда суратга тушиши учун 4 минг 800 АҚШ доллари сўраган ва 1 минг 200 АҚШ долларини олганди. Одамларни ўзининг ёлғонларига ишонтирганидан руҳланиб кетган А.Боқиев Ш.Назарқуловдан пулнинг қолганини тезроқ беришни сўрайди. Шу йилнинг 31 январь куни соат ўн олтидан йигирма дақиқа ўтганда Жума шаҳридаги Истироҳат боғига кириш дарвозаси олдида у Ш.Назарқуловдан яна 1 минг АҚШ долларини алдов ва фириб йўли билан олаётган чоғда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланади.

Хўш, ўзини кинорежиссёр ва актёр деб таништирган Адҳам Боқиев аслида ким?

Буёғини сўрасангиз, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида 1990 йилда туғилган Адҳам Боқиев кино оламининг кўчасидан ҳам ўтмаган, соҳанинг паст-баландидан мутлақо бехабар.

Аслида, ҳар қандай фильмни суратга олиш учун рухсатнома талаб қилинади. Бундан ташқари фильмда рол ижро этадиган актёрлар билан шартнома расмийлаштирилиши шарт.

Аммо фирибгар А.Боқиев бу талабларни мутлақо тушунмайди. У бор-йўғи ўрта махсус маълумотга эга.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

*Янги қонун моҳияти*

# Ернинг қадрига етиш

*янги қонун ушбу муҳим тамойилга асосланган*

Айни чоғда, Фармонда бу борада қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. **"Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"**-ги қонун айни шу йўналишдаги муҳим ҳужжат саналади.

Зеро, ушбу қонунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришга доир муносабатларнинг барча муҳим жиҳатлари қамраб олинган. Шунингдек, унда ер участкаларини хусусийлаштириш тамойиллари, объектлари, субъектлари, шакллари ҳамда ушбу йўналишдаги асосий тушунчалар ўз ифодасини топган. Жумладан, қонунийлик, ихтиёрийлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаштириладиган ерлар ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бирлиги, очиқлик ва шаффофлик хусусийлаштиришнинг асосий тамойиллари сифатида белгиланган.

Юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида берилган ерлар, бўш ер участкалари ҳамда Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган ерлар эса, хусусийлаштириш объектлари ҳисобланади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, ер участкаларини хусусийлаштириш субъектлари сифатида фақатгина Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистон резидентлари бўлган юридик шахслар белгиланган. Қонуннинг айни шу жиҳати ўзида миллий манфаатларни ифода этгани билан аҳамиятлидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ҳамма ерлар ҳам хусусийлаштирилавермайди. Қонунда бу борада аниқ норма белгиланган. Яъни:

***белгиланган тартибда режалаштириш схемалари бўлмаган ҳудудларда жойлашган ерлар;***

***фойдали қазилмалар конлари, давлат мулкидаги стратегик объектлар жойлашган ерлар;***

***табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар;***

***ўрмон ва сув фондларининг, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари;***

***эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ҳамда шу каби бошқа ерлар хусусийлаштирилмайди.***

Қонунда ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида давлат бошқаруви, жумладан, давлат органларининг бу борадаги ваколатлари аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимликлар, "Давергеодезкадастр" давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси бу борада ваколатли органлар сифатида белгиланган.

Масалан, Давлат активларини бошқариш агентлиги ер участкаларини хусусийлаштиришнинг очиқ ва шаффоф механизми ташкил этилишини ҳамда Интернет орқали электрон тарзда ер савдолари амалга оширилишини таъминлайди, шунингдек, электрон онлайн-аукционлар ўтказилишини ташкил этади.

Шунингдек, қонунда кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштиришга оид нормалар ҳам кўзда тутилган.

Ер участкаларини хусусийлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади. Бунинг учун тўлов миқдори ер участкаси хусусийлаштирилган кундаги ер солиғи ставкасининг каррали миқдорларида белгиланади.

Қонунга мувофиқ, бўш турган ва Урбанизация жамғармасига ўтказилган ер участкаларини хусусийлаштириш электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади. Белгиланган ер участкаларининг бошланғич баҳоси аукционга қўйилган вақтда уларнинг бозор қийматига тенг қилиб белгиланади.

Ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади. Мазкур маблағлар урбанизация жараёнларини ривожлантиришга, жумладан, ҳудудларнинг инфратузилмасини яхшилашга сарфланади.

Қонунда хусусийлаштирилган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, **"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ, давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган.

Ушбу норма хусусийлаштирилган ерларнинг дахлсизлигини кафолатлайди. Бу ўз навбатида, ер қонунчилиги ва белгиланган тартиб-таомилларга зид равишда ерларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилиши каби ҳолатларнинг бартараф этишга хизмат қилади.

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистонда қурилиш соҳасидаги лойиҳаларга жуда катта сармоя киритилмоқда. Қурилиш ҳажмларини кенгайтириш учун рағбат ҳам, имконият ҳам, имтиёзлар ҳам мавжуд.

Буларнинг бари — мамлакатимизнинг урбанистик келажагини муносиб тарзда яратиш, янги уйларни қуриш, ишлаб чиқариш тармоқларини бунёд этиш билан бевосита алоқадор. Қишлоқ хўжалиги мақсадларига хизмат қилмайдиган ер участкаларининг хусусийлаштирилиши республикада бизнес юритиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Хусусийлаштирилган ерларда замонавий тармоқлар, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар қад ростлаши учун ҳуқуқий асослар яратилади. Бу билан маҳаллий тадбиркорларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтириш ва сармояларнинг самарали ишлатилиши таъминланади.

Хусусий мулкчилик ҳуқуқи давлат томонидан муҳофаза этилиши янада мустаҳкамланади. Юридик шахслар томонидан хусусийлаштирилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш меъёрларини бекор қилиш, қишлоқ хўжалигига мўлжаланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш принципларини белгилаш ҳамда хусусийлаштириш ҳуқуқи тақдим этилмайдиган ҳолатлар рўйхати тасдиқланишини таъминлайди.

Қонунда ер участкаларига хусусий мулк ҳуқуқини тугатишнинг махсус ҳолатлари ва ер участкаларига тегишли кўчмас мулк объектларини олиб қўйишнинг алоҳида ҳолатлари белгиланган. Шунингдек, мулк эгасига олиб қўйиш жараёнида етказилган зарарлар бозор қийматида қопланиши кафолатлангани ҳақидаги моддалар ҳам киритилган.

Янги қонунда хусусийлаштирилган ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари хусусида ҳам алоҳида нормалар белгиланган. Бу билан умуммиллий бойлигимиз бўлган ердан мақсадли фойдаланиш, ресурсларни тўғри татбиқ этиш қонуний таъминланади.

Содда қилиб айтганда, ушбу янги қонун билан шу нарса аниқлаштириляптики, юридик шахслар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар — резидентлар ўзларига тегишли бўлган бино ва иншоотлар жойлашган ер участкаларини, шунингдек, уларга туташ ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириши мумкин.

Юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар — Ўзбекистон резидентлари, шунингдек, мамлакат фуқароларига ер участкалари билан биргаликда хусусийлаштириш тартибида давлат кўчмас мулк объектларини сотиб олиш имконияти берилади.

Ер участкасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ер участкалари ва улар билан мустаҳкам боғланган объектлар бирлиги принципи белгиланади. Унга биноан, жойлашган ер участкаси мулкдорига тегишли бўлган бино ёки иншоотга мулкдорлик ҳуқуқи берилганда, бино ёки иншоот билан банд ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик ҳуқуқи бино ёки иншоотни сотиб олувчига ўтади.

Ер участкаларини хусусийлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорлари асосида пуллик асосда амалга оширилади. Энг муҳими, ер участкаларини хусусийлаштириш фақат бош режалар ва батафсил режалаштириш лойиҳалари, шунингдек, кўчмас мулк кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган аҳоли пунктларида жойлашган ер участкаларига нисбатан амалга оширилади.

Бу белгиланган тамойиллар ерни хусусийлаштириш, янги иш бошлашни ният қилган тадбиркорларга ернинг қадрига етиш, шаҳарсозлик анъаналарига риоя қилиш масъулиятини ҳам юклайди.

Шундай қилиб, янги қонуннинг қабул қилиниши юртимизга хорижий инвестициялар учун янада жозибадор бўлиш ва иқтисодиётга ички инвестицияларни сафарбар этиш, эскирган ер қонунчилиги нормаларини бартараф этиш, шунингдек, ерларни фуқаролик айланмасига жалб қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, янги қонун иқтисодиётни эркинлаштириш, ер ва капитал бозорларини либераллаштириш, ер қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларни жадаллаштиришга замин яратади. Зотан, унда белгиланган нормалар ҳудудлар манфаатига тўла мос келади. Бундан ташқари ушбу қонунни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган режада уни амалиётга татбиқ этишнинг аниқ чоралари назарда тутилган.

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси*

*Орзу-ҳаваслар кўпайган, ҳатто меъёридан ошиб бораётган даврда яшаяпмиз. Чунки одамлардаги истаклар кўп ҳолларда ҳою ҳавасларга айланиб бормоқда. Энг ёмони, айримларнинг бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмаслиги кўз ўнгимизда содир бўлмоқда.*

*Масалан, эр ишлагани хорижга кетса, сал ўтмай аёл ҳам "мен сендан қолмайман" қабилида бошқа бир давлатга йўл олмоқда. Орада эса, фарзандлар сарсон...*

*Оилани муқаддас билган халқимиз орасида аввалари ажрашиш деган тушунча деярли бўлмаган. Ҳозир эса, эр ва хотиннинг ажрашиши оддий ҳолга айланиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Масалан, 2019 йилнинг биринчи ярмида 11 минг 153 оилада ажрим қайд этилди. Бу нохўш факт минг-минглаб болаларнинг тирик етим бўлиб қолаётганини англатади, ахир.*

*Оқибатини ўйламай қилинаётган бундай ишлар бир кун келиб афсус-надоматга сабаб бўлишини ажрашаётганлар билармикин ўзи?!*

*Қуйидаги ҳикоямиз қаҳрамони ҳам ажрашаётганида фарзанд қадри ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Лекин жигарбандининг қадри ўтганида уни топа олмагани аянчли ҳолат, албатта. Шундай эмасми?*

*Турмуш чорраҳаларида*

# «Болам...»



Бугун ишдан барвақт чиқиб, жўралари билан улфатчиликни роса жойига қўйган, кайфи чоғдан-да чоғ, билган-билмаган қўшиғини ўзича секи-и-н хиргойи қилганча бир-бир босиб, уйига қайтаётган Юсуфбой йўл бўйидаги болалар боғчаси ёнидан ўта туриб, кутиб турган ота-оналари олдига шодон қийқиришиб, бири-бирдан ўзиб, чиқиб келаётган болажонларни кўриб, бирдан тақа-тақ тўхтади ва уларга қараган кўйи серрайиб туриб қолди.

Жажжи болакайларнинг "дадажон", "аяжон" деган шўх-шодон чақирув-чорловлари икки қулоғидан ҳам жаранглаб кириб, юрагига қаттиқ санчилди. Шу алфозда қанча вақт турганини ўзиям билмайди, кайфи тароқ бўлди, эшиттириб айтар биргина сўзи: "Бола-а-м!" — бўлди...

"Уҳ" торта-торта, ортга қайтиб, тез-тез юриб борар манзили — қўшни маҳалладаги бундан етти йил бурун ўзи куёв бўлмиш уйга ошиқди. Бироз йўл юриб, таниш уйга яқинлашган сари оёқлари ўзига бўйсунмай, баттар судралиб, бир-бир босар, ичида бот-бот такрорланмиш "болам-болам" сўзи далда бўлиб-далда бўлиб, собиқ қайнота-қайнонаси эшиги зулфини секин-аста уришга ҳаракат қиларди.

Олтмишни қораламиш собиқ қайнонаси "Ким?" — дея эшикни қия очиб, анча вақтдан буён қорасини кўрсатмаган собиқ куёвига қараб, ҳайрондан-ҳайрон, ҳам иймaниб секингина айтган гапи: "Келинг, болам, келинг.., Сизга ким керак?" — деган савол бўлди.

Юсуфбойнинг бир дам тили лол, "Болам, Юнусжоним" — деди, сўнг тутилиб "Бир кўрсам, майлими?!" — деб кўз ёшини шашқатор қилди.

Буни кўрган собиқ қайнонанинг ҳам кўнгли бузилиб, лабини тишлаб: "Болам, Юнусжон аяси билан кетганку" — деган бир аламли гап йигит кўкрагига ханжардай ботди.

Юсуфбойнинг бўғзидан отилиб чиққан "Қаёққа, нега кетади?" — деган оғир савол ўз юрагини тилка пора қилди.

Мулойимдан-мулойим "қайнона" ўзини гуноҳкор тутгандек, "На илож, тақдир экан, Ойимхолни эрга бердик, эри билан келиб боласини ҳам олиб кетди", — деди.

Юсуфбой бир бўзарди, бир гезарди, сўнг кўзда ёши ғилтиллаб, аяга мўлтираб "Манзилини айтинг, болам-болажонимни бир кўрай", — деди базўр.

"Қайнона"нинг гапидан Юнусжонининг ўз аяси ва ўгай отаси билан ўзга юртга доимий яшашга кетгани аён бўлди. Юсуфбойнинг алами олти, ситами саккиз бўлиб, бола соғинчи бағрини беҳад эзар, изтироб кўнглини буткул титкилар бўлди.

Ғамнинг юки эса, оғирдан-оғир маломат тошлари ила елкасидан беаёв босарди. Мунғайиб туриб қолган Юсуфбой бирдан ўзининг кичрайиб, ҳам қариб қолганини ҳис қилди. Энтикиб-энтикиб нафас олди. Ўзини бир зум ўғлининг ўрнига қўйиб кўрди. "Болам бугун кимга сиғинди, кимнинг қўлига, кўзига мултираб турибди?!", — деган аламли койиш кўкайини куйдирар эди.

Чора-ю иложсиз уйига томон судралиб борар экан, Юсуфбой худди қўрғошиндай оғир бир ўй сурар, охирги марта боласини қачон кўрганини эслашга ҳаракат қиларди.Унда ҳали Юнусжони эндигина беш ёшга қадам қўйган, шўхдан-шўх, ширин-дан-ширин болакай эди.

Яна ёдига келгани, аччиқ устида "уч талоқ" қўйиб, Ойимхолнинг "жавобини" бергани, боласи "Дадам-дадам" дея йиғлай-йиғлай онасига эргашиб кетгани, кейинчалик ота-онаси, маҳалла-кўй, маҳкама — суд яраштириш учун кўп уринганию уларга "Ҳаёт меники, фақат ўзим биламан, ўзим ҳал қиламан", — деган ўта нодон-худписанд жавоби бўлди.

Энди эса...

Энди Юсуфбойнинг фиғони фалакка чиқди: "Ўшанда шу ақлим қайда эди, мен ҳали бургага аччиқ қилиб, ўз кўрпамни ёқдимми?!, Болам бегона уйда, бошқа бировни ота деб ўсарми, менга ичикиб улғаярми?!" — дея ўз бағрини ўзи тиғлашдан бошқа чораси йўқ эди.

Жўяли бирон-бир сабабсиз хотинини ҳайдаб, ўзини боласидан, боласини ўзидан айирганига мингдан-минг пушаймон бўлиб, соғинчу аламдан хўрлиги келиб, фироқдан оҳу фарёд чекиб, аламдан бўзлар эди:

*Сабр нима билмайин,*
*жаҳл отини ўзғитган,*
*Меҳр нима билмайин,*
*ўз бахтини тўзғитган,*
*Изғин тортдириб сени,*
*бугун ўзи қон ютган,*
*Сени уйдан қувмайин*
*отанг ўлсин, болам-ов...*

**Холмўмин ЁДГОРОВ**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Жазони ўтаётган маҳкум

*яна жиноятга қўл урди*

***Маълумки, жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо уни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Аммо ҳаётда қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олиш ўрнига яна қайта жиноятга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради.***

Қарши шаҳрида туғилган, 27 ёшли Ойбек Баҳромов ҳам ана шундай кимсалар тоифасига киради. Гап шундаки, Ойбек Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а,г,ж,и,п"-бандлари (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш), 164-моддаси 3-қисми "в,г"-бандлари (уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириб, баданга оғир шикаст етказган ҳолда босқинчилик), 219-моддаси 2-қисми (ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш)да назарда тутилган ўта оғир жиноятларни содир этгани учун жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукмига биноан 19 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва ички ишлар вазирлигининг Поп туманида жойлашган 6-сонли жазони ижро этиш колониясида жазо муддатини ўтаётганди. Бироқ у қилмишидан ўзига тегишли хулоса чиқариш ўрнига жазони ўташ жараёнида яна жиноятга қўл урди.

Аниқланишича, О.Баҳромов 2019 йил 27 май куни соат 10:00ларда муассаса ётоқхонасида дам олаётганди. Шунда ўзи билан бир туркумда яшовчи маҳкум Абдулҳамид Хўжаевнинг бошқалар билан баланд овозда гаплашиб ўтиргани унга ёқмайди. Ойбек буни босиқлик билан А.Хўжаевга тушунтириш ўрнига кескин равишда қўполлик қилади.

**(Давоми 4-бетда) ▶**

# фирибгарлик

*ёки миш-миш ортидаги алдов*



Қарангки, одамлардаги соддалик ва ишонувчанликдан ғараз мақсадда фойдаланган А.Боқиев фирибгарлик йўли билан ўзгалар бойлигини қўлга киритган ва уларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Бу ҳаётда одамлар турли-туман алдовларга дуч келишади. "Қаҳрамонимиз"нинг қилмишини эса, антиқа фирибгарлик десак, муболаға бўлмайди. Шу ўринда воқеанинг давомига тўхталадиган бўлсак, А.Боқиев ўзининг алдови қурбонига айланган одамларнинг кўнглида шубҳа уйғотмаслик йўлларини излаган. Шу мақсадда у 2019 йилнинг 21 — 22 январь кунлари кино съёмка учун деган алдов билан Ш.Назарқулов, У Улуғмуродов, Б.Расулов ва А.Эшонқуловларни Самарқанд шаҳридан автомашинада Тошкент шаҳрига олиб боради. "Макро" супермаркетининг учинчи қаватидаги ресторанда улар икки-уч дақиқалик видеога тушишади. Пастдарғомга қайтганларидан сўнг "Беклар" қишлоғидаги бир ҳовлида беш-олти дақиқалик суратга олиш ишлари бажарилади. Эртаси куни эса, уч-тўрт дақиқалик суратга олиш Пастдарғом Педагогика ва спорт коллежи кутубхонасида ҳам амалга оширилади.

Аммо фирибгарнинг фириби охир-оқибат фош бўлди. У қилмиши учун қонуний жазога тортилди. Суд судланувчи Адҳам Боқиевга тергов идораси томонидан қўйилган айбни муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади. Суд судланувчи А.Боқиевнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилган ишидан пушаймонлиги, ёши, шахси, оилавий шароитини ҳамда моддий зарар тўлиқ бартараф қилинганини ҳисобга олди. Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилди. А.Боқиевни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин, деган хулосага келди.

Суд А.Боқиевга Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоиз миқдорида давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Биз юқорида миш-миш ортидаги алдов қандай оқибатларни келтириб чиқарганлигидан муҳтарам ўқувчини бохабар этдик. Бир қарашда, комедияга ўхшаб кетадиган воқеалар замирида одамлардаги безавол соддадиллик билан фирибгарнинг ғаразли қувлиги ўртасидаги бемаврид муносабат жиддий зиддиятга — жиноий кирдикорга сабаб бўлди. Аслида антиқа фирибгарликнинг тегирмонига сув қуйган актёрликка ҳавасманд кишилар эмасми? Хуллас, бўлиб ўтган воқеа тафсилотларидан қандай хулоса чиқариш газетхонларимизнинг ўзига ҳавола.

**Ҳабибулла ЧИНИЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг раиси*

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

## Фуқаролик ишлари бўйича давлат божи реквизитлари

### Ўзбекистон Республикаси Олий судига фуқаролик ишлари бўйича мурожаат қилинганда давлат божи тўлаш учун реквизитлар

Ягона ғазна ҳисобварағи реквизитлари:
Олувчининг номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги
Ягона ғазна ҳисобварағи: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса маркази
МФО: 00 014, СТИР (ИНН): 201 122 919

| Ҳудуд | | | Даромад бўйича шахсий ғазна ҳисобварағи (25 хонали) |
|---|---|---|---|
| Вилоят | туман/шаҳар | коди | |
| Тошкент шаҳри (Республика) | Шайхонтоҳур тумани | 26277 | 4014108600262773422956011 |

### Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига мурожаат қилинганда давлат божи тўлаш учун реквизитлар

Ягона ғазна ҳисобварағи реквизитлари:
Олувчининг номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги
Ягона ғазна ҳисобварағи: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса маркази
МФО: 00 014, СТИР (ИНН): 201 122 919

| Ҳудуд | | | Даромад бўйича шахсий ғазна ҳисобварағи (25 хонали) |
|---|---|---|---|
| Вилоят | туман/шаҳар | коди | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус шаҳри | 35401 | 4014218602354013422956011 |
| Андижон вилояти | Андижон шаҳри | 03401 | 4014218600034013422956011 |
| Бухоро вилояти | Бухоро шаҳри | 06401 | 4014218603064013422956011 |
| Жиззах вилояти | Жиззах шаҳри | 08401 | 4014218605084013422956011 |
| Қашқадарё вилояти | Қарши шаҳри | 10401 | 4014218608104013422956011 |
| Навоий вилояти | Навоий шаҳри | 12401 | 4014218604124013422956011 |
| Наманган вилояти | Наманган шаҳри | 14401 | 4014218601144013422956011 |
| Самарқанд вилояти | Самарқанд шаҳри | 18401 | 4014218605184013422956011 |
| Сурхондарё вилояти | Термиз шаҳри | 22401 | 4014218604224013422956011 |
| Сирдарё вилояти | Гулистон шаҳри | 24401 | 4014218601244013422956011 |
| Тошкент вилояти | Яккасарой тумани | 26287 | 4014218603262873422956011 |
| Фарғона вилояти | Фарғона шаҳри | 30401 | 4014218608304013422956011 |
| Хоразм вилояти | Урганч шаҳри | 33401 | 4014218600334013422956011 |
| Тошкент шаҳар | Мирзо Улуғбек тумани | 26269 | 4014218605262693422956011 |

### Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларига мурожаат қилинганда давлат божи тўлаш учун реквизитлар

Ягона ғазна ҳисобварағи реквизитлари:
Олувчининг номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги
Ягона ғазна ҳисобварағи: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса маркази
МФО: 00 014, СТИР (ИНН): 201 122 919

| Ҳудуд | | | Даромад бўйича шахсий ғазна ҳисобварағи (25 хонали) |
|---|---|---|---|
| | туман/шаҳар | коди | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | | | |
| Амударё туман суди | Амударё тумани | 35204 | 4014228605352043422956011 |
| Беруний туманлараро суди | Беруний тумани<br>Тўрткўл тумани<br>Элликқалъа тумани | 35207<br>35233<br>35250 | 4014228606352073422956011 |
| Қўнғирот туманлараро суди | Қўнғирот тумани<br>Қонликўл тумани<br>Мўйноқ тумани<br>Шуманай тумани | 35215<br>35218<br>35222<br>35243 | 4014228601352153422956011 |
| Нукус туманлараро суди | Нукус тумани<br>Нукус шаҳри<br>Хўжайли тумани | 35225<br>35401<br>35236 | 4014228604352253422956011 |
| Чимбой туманлараро суди | Чимбой тумани<br>Тахтакўприк тумани<br>Қораўзак тумани<br>Кегайли тумани | 35240<br>35230<br>35211<br>35212 | 4014228601352403422956011 |
| Андижон вилояти | | | |
| Андижон туманлараро суди | Андижон тумани<br>Олтинкўл тумани<br>Андижон шаҳри | 03203<br>03202<br>03401 | 4014228604032033422956011 |
| Асака туманлараро суди | Асака тумани<br>Марҳамат тумани | 03224<br>03227 | 4014228609032243422956011 |
| Бўз туманлараро суди | Бўз тумани<br>Улуғнор тумани<br>Шаҳрихон тумани | 03209<br>03217<br>03230 | 4014228601032093422956011 |
| Избоскан туманлараро суди | Избоскан тумани<br>Балиқчи тумани<br>Пахтаобод тумани | 03214<br>03206<br>03232 | 4014228606032143422956011 |
| Қўрғонтепа туманлараро суди | Қўрғонтепа тумани<br>Хонобод шаҳри | 03220<br>03408 | 4014228604032203422956011 |
| Хўжаобод туманлараро суди | Хўжаобод тумани<br>Булоқбоши тумани<br>Жалақудуқ тумани | 03236<br>03210<br>03211 | 4014228609032363422956011 |
| Хўжаобод туманлараро суди | Хўжаобод тумани<br>Булоқбоши тумани<br>Жалақудуқ тумани | 03236<br>03210<br>03211 | 4014228609032363422956011 |
| Бухоро вилояти | | | |
| Бухоро туманлараро суди | Бухоро тумани<br>Бухоро шаҳри | 06207<br>06401 | 4014228607062073422956011 |
| Ғиждувон туманлараро суди | Ғиждувон тумани<br>Шофиркон тумани | 06215<br>06258 | 4014228602062153422956011 |
| Когон туманлараро суди | Когон тумани<br>Когон шаҳри<br>Қоровулбозор тумани | 06219<br>06403<br>06232 | 4014228607062193422956011 |
| Қоракўл туманлараро суди | Қоракўл тумани<br>Олот тумани | 06230<br>06204 | 4014228604062303422956011 |
| Пешку туманлараро суди | Пешку тумани<br>Вобкент тумани | 06240<br>06212 | 4014228602062403422956011 |
| Ромитон туманлараро суди | Ромитан тумани<br>Жондор тумани | 06242<br>06246 | 4014228604062423422956011 |
| Жиззах вилояти | | | |
| Ғаллаорол туманлараро суди | Ғаллаорол тумани<br>Бахмал тумани | 08209<br>08204 | 4014228606082093422956011 |
| Дўстлик туманлараро суди | Дўстлик тумани<br>Арнасой тумани<br>Пахтакор тумани<br>Мирзачўл тумани | 08215<br>08201<br>08228<br>08223 | 4014228604082153422956011 |
| Жиззах туманлараро суди | Жиззах тумани<br>Жиззах шаҳри<br>Зафаробод тумани | 08212<br>08401<br>08225 | 4014228603082123422956011 |
| Зарбдор туманлараро суди | Зарбдор тумани<br>Зомин тумани<br>Янгиобод тумани | 08220<br>08218<br>08237 | 4014228609082203422956011 |
| Фориш туман суди | Фориш тумани | 08235 | 4014228604082353422956011 |
| Қашқадарё вилояти | | | |
| Ғузор туманлараро суди | Ғузор тумани<br>Деҳқонобод тумани | 10207<br>10212 | 4014228601102073422956011 |
| Қарши туманлараро суди | Қарши тумани<br>Қарши шаҳри<br>Нишон тумани | 10224<br>10401<br>10235 | 4014228606102243422956011 |
| Косон туманлараро суди | Косон тумани<br>Муборак тумани | 10229<br>10234 | 4014228604102293422956011 |
| Касби туманлараро суди | Касби тумани<br>Миришкор тумани | 10237<br>10233 | 4014228604102373422956011 |
| Чироқчи туман суди | Чироқчи тумани | 10242 | 4014228604102423422956011 |
| Шаҳрисабз туманлараро суди | Шаҳрисабз тумани<br>Китоб тумани | 10245<br>10232 | 4014228605102453422956011 |
| Яккабоғ туманлараро суди | Яккабоғ тумани<br>Қамаши тумани | 10250<br>10220 | 4014228604102503422956011 |
| Навоий вилояти | | | |
| Зарафшон туманлараро суди | Зарафшон шаҳри<br>Томди тумани | 12408<br>12244 | 4014228600124083422956011 |
| Кармана туманлараро суди | Кармана тумани<br>Навоий шаҳри<br>Қизилтепа тумани<br>Хатирчи тумани | 12234<br>12401<br>12216<br>12251 | 4014228600122343422956011 |
| Навбаҳор туманлараро суди | Навбаҳор тумани<br>Конимех тумани<br>Нурота тумани | 12230<br>12211<br>12238 | 4014228606122303422956011 |
| Учқудуқ туман суди | Учқудуқ тумани | 12248 | 4014228608122483422956011 |
| Наманган вилояти | | | |
| Наманган туманлараро суди | Наманган тумани<br>Наманган шаҳри<br>Мингбулоқ тумани | 14212<br>14401<br>14204 | 4014228604142123422956011 |
| Учқўрғон туманлараро суди | Учқўрғон тумани<br>Норин тумани<br>Уйчи тумани | 14234<br>14216<br>14229 | 4014228602142343422956011 |
| Чуст туманлараро суди | Чуст тумани<br>Поп тумани<br>Тўрақўрғон тумани | 14237<br>14219<br>14224 | 4014228603142373422956011 |
| Янгиқўрғон туманлараро суди | Янгиқўрғон тумани<br>Косонсой тумани<br>Чортоқ тумани | 14242<br>14207<br>14236 | 4014228608142423422956011 |
| Самарқанд вилояти | | | |
| Жомбой туманлараро суди | Жомбой тумани<br>Булунғур тумани | 18209<br>18206 | 4014228606182093422956011 |
| Иштихон туманлараро суди | Иштихон тумани<br>Қўшрабод тумани | 18212<br>18216 | 4014228603182123422956011 |
| Каттақўрғон туманлараро суди | Каттақўрғон тумани<br>Каттақўрғон шаҳри<br>Нарпай тумани<br>Пахтачи тумани | 18215<br>18406<br>18218<br>18230 | 4014228604182153422956011 |
| Самарқанд шаҳар суди | Самарқанд шаҳри | 18401 | 4014228600184013422956011 |
| Тойлоқ туманлараро суди | Тойлоқ тумани<br>Самарқанд тумани<br>Ургут тумани | 18238<br>18233<br>18236 | 4014228600182383422956011 |
| Пайариқ туманлараро суди | Пайариқ тумани<br>Оқдарё тумани | 18224<br>18203 | 4014228603182243422956011 |
| Пастдарғом туман суди | Пастдарғом тумани | 18227 | 4014228604182273422956011 |
| Нуробод туман суди | Нуробод тумани | 18235 | 4014228604182353422956011 |
| Сурхондарё вилояти | | | |
| Бойсун туман суди | Бойсун тумани | 22204 | 4014228602222043422956011 |
| Денов туманлараро суди | Денов тумани<br>Олтинсой тумани<br>Шўрчи тумани | 22210<br>22201<br>22226 | 4014228600222103422956011 |
| Қумқўрғон туманлараро суди | Қумқўрғон тумани<br>Жарқўрғон тумани<br>Қизириқ тумани | 22214<br>22212<br>22215 | 4014228605222143422956011 |
| Сариосиё туманлараро суди | Сариосиё тумани<br>Узун тумани | 22217<br>22221 | 4014228606222173422956011 |
| Термиз туманлараро суди | Термиз тумани<br>Термиз шаҳри | 22220<br>22401 | 4014228603222203422956011 |
| Шеробод туманлараро суди | Шеробод тумани<br>Ангор тумани<br>Музробод тумани | 22223<br>22202<br>22207 | 4014228604222233422956011 |
| Оқолтин туманлараро суди | Оқолтин тумани<br>Сардоба тумани | 24206<br>24226 | 4014228601242063422956011 |
| Сирдарё вилояти | | | |
| Боёвут туманлараро суди | Боёвут тумани<br>Ширин шаҳри<br>Ховос тумани | 24212<br>24410<br>24235 | 4014228604242123422956011 |
| Гулистон туманлараро суди | Гулистон тумани<br>Гулистон шаҳри<br>Янгиер шаҳри<br>Мирзаобод тумани | 24220<br>24401<br>24413<br>24228 | 4014228605242203422956011 |
| Сирдарё туманлараро суди | Сирдарё тумани<br>Сайхунобод тумани | 24231<br>24216 | 4014228601242313422956011 |
| Тошкент вилояти | | | |
| Оҳангарон туманлараро суди | Оҳангарон тумани<br>Олмалиқ шаҳри<br>Ангрен шаҳри | 27212<br>27404<br>27407 | 4014228602272123422956011 |
| Бекобод туманлараро суди | Бекобод тумани<br>Бекобод шаҳри | 27220<br>27413 | 4014228608272203422956011 |
| Зангиота туманлараро суди | Зангиота тумани<br>Янгийўл тумани | 27237<br>27259 | 4014228606272373422956011 |
| Қуйи Чирчиқ туманлараро суди | Қуйи Чирчиқ тумани<br>Оққўрғон тумани<br>Чиноз тумани | 27233<br>27206<br>27256 | 4014228601272333422956011 |
| Ўрта Чирчиқ туманлараро суди | Ўрта Чирчиқ тумани<br>Бўка тумани<br>Пскент тумани | 27253<br>27228<br>27250 | 4014228607272533422956011 |
| Чирчиқ туманлараро суди | Чирчиқ шаҳри<br>Бўстонлиқ тумани<br>Қибрай тумани | 27419<br>27224<br>27248 | 401422860127419342295601 |
| Юқори Чирчиқ туманлараро суди | Юқори Чирчиқ тумани<br>Паркент тумани | 27239<br>27249 | 4014228603272393422956011 |
| Фарғона вилояти | | | |
| Қўқон туманлараро суди | Қўқон шаҳри<br>Бувайда тумани<br>Данғара тумани<br>Учкўприк тумани | 30405<br>30212<br>30236<br>30221 | 4014228608304053422956011 |
| Марғилон туманлараро суди | Марғилон шаҳри<br>Ёзёвон тумани<br>Қўштепа тумани<br>Тошлоқ тумани | 30412<br>30242<br>30206<br>30227 | 4014228604304123422956011 |
| Риштон туманлараро суди | Риштон тумани<br>Олтиариқ тумани<br>Бағдод тумани<br>Сўх тумани | 30224<br>30203<br>30209<br>30226 | 4014228606302243422956011 |
| Ўзбекистон туманлараро суди | Ўзбекистон тумани<br>Бешариқ тумани<br>Фурқат тумани | 30230<br>30215<br>30238 | 4014228604302303422956011 |
| Фарғона туманлараро суди | Фарғона тумани<br>Фарғона шаҳри<br>Қувасой шаҳри<br>Қува тумани | 30233<br>30401<br>30408<br>30218 | 4014228605302333422956011 |
| Хоразм вилояти | | | |
| Боғот туманлараро суди | Боғот тумани<br>Хазорасп тумани<br>Хива тумани<br>Янгиариқ тумани | 33204<br>33220<br>33226<br>33233 | 4014228603332043422956011 |
| Урганч туманлараро суди | Урганч тумани<br>Урганч шаҳри<br>Хонқа тумани<br>Янгибозор тумани | 33217<br>33401<br>33223<br>33236 | 4014228607332173422956011 |
| Шовот туманлараро суди | Шовот тумани<br>Гурлан тумани<br>Қўшкўпир тумани | 33230<br>33208<br>33212 | 4014228607332303422956011 |
| Тошкент шаҳри | | | |
| Миробод туманлараро суди | Миробод тумани<br>Бектемир тумани<br>Яшнобод тумани | 26273<br>26264<br>26290 | 4014228601262733422956011 |
| Мирзо Улуғбек туманлараро суди | Мирзо Улуғбек тумани<br>Юнусобод тумани | 26269<br>26266 | 4014228600262693422956011 |
| Шайхонтоҳур туманлараро суди | Шайхонтохур тумани<br>Олмазор тумани | 26277<br>26280 | 4014228606262773422956011 |
| Учтепа туманлараро суди | Учтепа тумани<br>Чилонзор тумани | 26262<br>26294 | 4014228605262623422956011 |
| Яккасарой туманлараро суди | Яккасарой тумани<br>Сергели тумани | 26287<br>26283 | 4014228609262873422956011 |

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Жазони ўтаётган маҳкум

### яна жиноятга қўл урди



◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

(Бошланиши 3-бетда)

— Бу ерда одам ётибди, ҳадеб вайсайверма, — дея буйруқ беради у.

Табиийки, бундан Абдулҳамиднинг жаҳли чиқади.

— Бақирмасдан гапир. Билсанг, сенинг ўзинг ҳаммадан баттарсан, — деб бақиради унга жавобан.

Бу гапни эшитиб, О.Баҳромов тутоқиб кетиб, ўрнидан сакраб турадида, А.Хўжаевнинг тепасига югуриб келади. Абдулҳамид эса, ўзини босади.

— Рўза кунларида тинч ўтиргин, жанжаллашмайлик, — дейди у Ойбекни тинчлантиришга ҳаракат қилиб.

Лекин Ойбекнинг кўнглида унинг муомаласига "муносиб" жавоб қайтаришга қаратилган шум ният пайдо бўлади:

— Ҳозирги гапинг учун ҳали жавоб берасан!

У шундай деб ташқарига чиқиб кетади. Кейин эса, ўзини кўриш учун икки суткалик учрашувга келган яқинлари билан муассаса меҳмонхонасида қолиб кетади.

Чиндан ҳам, О.Баҳромовнинг Абдулҳамид Хўжаевдан ўч олиш нияти ҳали сўнмаганди. Шу боисдан у 2019 йил 29 май куни кечки овқатдан сўнг ётоқхонага қайтаётиб, ошхонадан термосга қайноқ сув тўлдириб олади. Ётоққа киргач, ўз ўрнида журнал ўқиб ётган Абдулҳамиднинг боши устидан дабдурустдан термосдаги қайноқ сувни қуйиб юборади-да, қочиб ташқарига чиқади. Кутилмаган тажовуздан саросимага тушиб қолган А.Хўжаев қайноқ сувдан қанчалик куймасин, алам билан Ойбекни қувлаб ташқарига отилади. Аммо бошқа маҳкумлар уни тўхтатиб, жаҳлини жиловлашга ундашади.

Шундан сўнг масъул ходимлар А.Хўжаевни 1-2-даражали термик куйиш аломатлари билан колониянинг тиббиёт бўлимига ётқизишади. Унга тегишли тиббий муолажалар қўлланилади.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2019 йил 1 июндаги 577/567-сонли хулосасида маҳкум А.Хўжаев соғлиғини йигирма бир кундан кўп муддатга бузилишига олиб келувчи ўртача оғир тан жароҳати олгани қайд этилган. Воқеа жойидан олинган, маҳкум О.Баҳромовга тегишли 30-35 сантиметр узунликдаги кулранг термос ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган. Пировардида О.Баҳромовга нисбатан Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми "к"-банди (такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш) билан жиноят иши қўзғатилади.

Яқинда ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг колония биносида бўлиб ўтган суд мажлисида кўриб чиқилди. Судда Ойбек Баҳромов қилган хатосини тушуниб етганини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради. Шу боис суд О.Баҳромовга жазо тайинлашда унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топди. Муқаддам ўта оғир жиноятни содир этгани учун судланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ давомида қасддан жиноят содир этганини эса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолади. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган 14 йил 6 ой 7 кун муддатини ҳам инобатга олди. Оқибатда уни Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми "к"-банди билан айбдор деб топди. Шу моддага асосан тайинланган 3 йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазосини кодекснинг 60-моддаси тартибида ўталмай қолган жазосига қўшиб, унга узил-кесил 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Энди у жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтайдиган бўлди.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, судда жабрланувчи А.Хўжаев О.Баҳромовга нисбатан кечиримли бўлди. Яъни у судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилиб, етказилган зарардан воз кечди. Бироқ шуниси ачинарлики, биргина кўполлик ва кек сақлаш иллати "қаҳрамон"имизга қимматга тушиб, яна қўшимча равишда жазо ўтайдиган бўлди. Ажабмас, бу гал унинг кўзи очилса...

**Илёсжон УСМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Поп тумани судининг раиси*
**Гўзал ШАРИПОВА,**
*Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси*

**Куч — адолатда**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

**Бош муҳаррир:**
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
**Козимджан КАМИЛОВ**
**Светлана АРТИКОВА**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Бахтиёр ИСАКОВ**
**Замира ЭСОНОВА**
**Олим ҲАЙИТОВ**
**Азиз МИРЗАЕВ**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

**Навбатчи муҳаррир:**
Сардор ҲАМРОЕВ
**Саҳифаловчи:**
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54**
**E-mail: axborotnoma.oliy@sud.uz**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-823. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7583
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $20^{00}$. Топширилди: $23^{30}$.